

Халмирзаев А.А.,

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон
Миллий университети кафедра мудири,
география фанлари номзоди, доцент;

Ниёзов М.А.,

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон
Миллий университети ўқитувчиси

ЖАҲОНДА ЧОРВАЧИЛИКНИНГ РИВОЖЛANIШИ ВА ЖОЙЛАШУВИ ХУСУСИЯТЛАРИ

Чорвачилик жаҳон қишлоқ ҳўжалигининг муҳим тармоқларидан бири ҳисобланади. Дунёда чорвачилик тармоқлари худди донли экинлар каби ҳамма жойда тарқалган. Қишлоқ ҳўжалигида фойдаланиладиган ерлар таркибидағи ўтлоқлар ва яйловлар ҳайдаладиган ерларга нисбатан уч баробар кўпроқ майдонни эгаллайди. Шунинг учун чорвачилик маҳсулотларининг асосий қисмини мўътадил минтақаларда жойлашган мамлакатлар етишитирди.

Ривожланган мамлакатларда чорвачилик интенсив, ривожланаётган мамлакатларда эса асосан экстенсив тавсифга эга. Ҳозирда дунё бўйича қорамоллар сони 4 миллиард бошдан ортиб кетди¹. Ривожланаётган мамлакатларнинг аксариятида чорвачилик иккинчи даражали тармоқ ҳисобланади. Ривожланган мамлакатларда эса чорвачилик зироатчиликдан устун бўлиб, ҳўжалик юритишнинг интенсив тури ҳисобланади.

Ривожланган мамлакатлардаги индустрлаштириш жараёнлари, озуқа базасини тубдан яхшилаш тад-

бирлари ва наслчилик соҳасидаги муваффақиятлар чорвачилик соҳаси маҳсулдорлигини кескин ошириш имкониятларини яратди. Бунинг натижасида ривожланган мамлакатларда чорвачилик маҳсулотлари аҳоли эҳтиёжларидан ортиқча дарражада ишлаб чиқарилмоқда. Шуни эътиборга олиб, хукумат чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқиш ҳажмларини қисқартириш ва барқарор ушлаб туриш сиёсатига катта эътибор бермоқда.

Чорвачилик тармоқларининг ривожланиши ва ихтисослашувчи дарражаси озуқа базасининг ҳажми иқтисод ва молия /экономика и финансы/ 2014, 11

¹ <http://www.examens.ru/otvet/2/11/167.html>

ва тавсифига узвий боғлиқ бўлади. Қорамолчилик, айниқса, унинг сут йўналишига ихтисослашган тармоғи озуқа базасига жуда юқори талабларни қўяди. Жаҳонда йирик шоҳли қорамол жойлашувининг бир текислиги кузатилади. Африка мамлакатлари бундан мустасно, чунки у ерда касаллик тарқатувчи це-це пашласининг кўплиги тармоқнинг жадал ривожланиши учун жиддий тўсқинлик қиласди.

Сут чорвачилиги ер шарининг ўрмон ва ўрмон дашт зоналарини ўз ичига оловчи мўътадил иқлим минтақасида, табиий ўтлоқларга бой ҳудудларда ривожланган. У ерларда ҳаво ҳарорати амплитудасининг унчалик катта эмаслиги, йил давомида ёғинларнинг бир текис тақсимланиши тўйимли ва фойдали озуқанинг мўл бўлишига олиб келади. Чорвачилик Шимолий Американинг саноати ривожланган мамлакатларида (айниқса, АҚШ ва унинг Буюк кўллар бўйидаги штатларида), Шимолий Европа мамлакатларида, Янги Зеландияда ва ўтиш иқтисодиётининг айрим мамлакатлари – Болтиқбўйи мамлакатларида, Белорус Республикаси ва Россия Федерациясининг шимоли-ғарбий ва Европа қисмининг марказий худудларида ривожланган.

Айрим мамлакатларда (Австралия, Янги Зеландия ва бошқаларда) иқлим шароити қорамолларнинг йил давомида яйловларда боқилишига имкон беради. Бошқа мамлакатларда эса (Финляндия, Нидерландия, Дания, Белорус Республикаси ва Россия Федерациясида) қорамоллар йилнинг

иссиқ мавсумларида яйловларда, қиш вақтларида оғилхоналарда боқилади.

Саноати ривожланган мамлакатларда сут чорвачилиги интенсив технологиялар (табиий яйловларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, минерал ўғитлар билан бойитиш ва кўкарамзорлаштириш ишларини фаоллаштириш, юқори маҳсулдор наслларни яратиш, сермеҳнат ишларни механизациялаш ва бошқалар) асосида ривожлантирилади. Амалга оширилган ишлар натижасида сут чорвачилигининг юқори самарадорлиги (соғин миқдори ва сутнинг ёғлилик даражаси)га эришилган. АҚШ, Дания, Нидерландия ва Швецияда бир қорамолдан олинадиган сут 6 минг кг, Японияда эса 5 минг кг ни ташкил этади. Россияда ушбу кўрсаткич 2,8 минг кг ни, Аргентинда – 2,6 минг кг, Хитойда – 1,6 минг, Монголияда – 0,35 минг кг ни ташкил этади¹. Ривожланаётган мамлакатларда сут чорвачилиги етарли даражада ривожланмаган ва асосан шаҳар атрофи ҳудудларида жойлашган.

Саноати ривожланган мамлакатларда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш кўрсаткичлари жуда юқори. Осиё, Африка ва Лотин Америкасининг ривожланаётган мамлакатларида эса чорвачилик тармоқлари самарадорлиги даражаси анча паст. Дунёда улар ҳиссасига мол гўшти ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмларининг мос равиша 25 ва 14 фоизи тўғри келади².

¹ <http://geographyofrussia.com/otrasli-zhivotnovodstva/>

² <http://www.grandars.ru/shkola/geografiya/zhitnovodstvo.html>

Жаҳонда йилига 500 миллион тонна миқдорида қорамол сути ишлаб чиқарилади. Аҳоли жон бошига ҳисоблаганда, 100 кгдан камроқ миқдорга тўғри келади. Сут ишлаб чиқаришда АҚШ, Ҳиндистон, Россия, Германия, Франция каби мамлакатлар алоҳида ажралиб туради. Ушбу кўрсаткичлар бўйича Янги Зеландия (ҳар бир сигирдан йилига 2400 кг сут), Ирландия (1500 кг), Нидерландия (900 кг), Белорус Республикаси (700 кг), Данія (500 кг), Франция (490 кг) ва Германия (450 кг) каби мамлакатлар етакчилик қиласиди¹. Бу мамлакатлар жуда катта ҳажмларда сут маҳсулотлари (сарёғ, пишлоқ ва бошқа маҳсулотлар) ишлаб чиқарадилар.

Келажакнинг энг муҳим жиҳатларидан бири – Ер шари аҳолиси сонининг тез ва нотекис ўсиши ҳисобланади. Ушбу кўрсаткич 2010 йилдаги 7 миллиард кишидан 2050 йилга бориб 9 миллиард кишига кўпайиши тахмин қилинган. Ушбу миқдордаги инсонларни мувозанатлаштирилган меъёрларда оқсилга бой овқатланишини таъминлаш учун барча турдаги гўшт маҳсулотлари ҳажмини 2011 йилдаги 294 миллион тоннадан 2050 йилда 465 миллион тоннага, сут маҳсулотларини 580 миллион тоннадан 1043 миллион тоннага ошириш ва таркибини янада такомиллаштириш лозим бўлади².

1-жадвалдаги маълумотлардан кўриниб турибдики, кейинги йилларда гўшт маҳсулотлари ишлаб чиқа-

риш таркибида парранда гўшти салмоғининг устувор суратларда ортиб бориши ҳолати кузатилмоқда. Келажакда ҳам худди шундай тенденция сақланиб қолади. Бунга асосий сабаб, 1 тонна мол гўшти ишлаб чиқариш учун сарфланадиган энергия, худди шунча миқдордаги парранда гўшти ишлаб чиқаришга кетадиган энергия сарфига нисбатан 2,3 баробар, тухум ишлаб чиқариш харжатларидан 2,1 баробар кўплиги ҳисобланади.

Чорвачилик маҳсулотлари ва чорва ҳайвонларини экспорт қилишда қўйидаги мамлакатлар етакчилик қилмоқда. Қорамол ва бузоқ гўшти экспорт қилишда Австралия, Германия, Финляндия, Янги Зеландия, Ирландия, Нидерландия, АҚШ ва Венгрия, чўчқа гўшти экспортида Нидерландия, Бельгия, Данія, Канада, Венгрия, қўй гўшти экспортида Янги Зеландия, Австралия, Буюк Британия, парранда гўшти экспортида Франция, АҚШ, Нидерландия, Бразилия, юнг экспортида Австралия, Янги Зеландия, Аржентина, Уругвай, ЖАР, тирик қорамол экспортида Бразилия, Аржентина, Мексика, чўчқалар экспортида Эфиопия, Хитой, Нидерландия, Канада, қўй ва эчкилар экспортида Австралия, Туркия, Сомали ва Эфиопия каби мамлакатлар етакчилик қиласидилар.

Чорвачиликнинг иккинчи ихтиослашган йўналиши гўшт чорвачилиги ҳисобланади. Гўшт учун боқиладиган қорамоллар дашт туридаги яйловларда боқилади. Ушбу мўътадил минтақаларда гўшт учун қорамолларнинг катта қисми

¹ <http://geographyofrussia.com/otrasli-zhivotnovodstva/>

² <http://www.myaso-portal.ru/analitika/perspektivy-razvitiya-zhivotnovodstva-i-ptitsevodstva-do-2020-goda/>

1-жадвал. Жаҳон мамлакатларида гўшт маҳсулотлари ишлаб чиқариш таркиби¹

Гўшт маҳсулотлари	1990		2011	
	Ҳажми, миллион тонна	Салмоғи, %	Ҳажми, миллион тонна	Салмоғи, %
Мол гўшти	51,2	29,2	65	22,4
Чўчқа гўшти	69,5	39,7	110	37,1
Парранда гўшти	39,9	22,8	100,2	34,2
Қўй гўшти	9,4	5,4	13,1	4,5
Бошқалар	5,2	2,9	5,7	1,8
Жами	175,2	100	294,0	100

боқилади. Ҳиндистонда қорамолларнинг сони жуда кўп, бунинг асосий сабаби сифатида диний нуқтаи назардан қорамолларни сўйиштаъқиқланганлиги ҳисобланади.

Шунингдек, Бразилия, Хитой, АҚШ, Аргентина, Эфиопия, Судан, Мексика, Россия, Австралия ва бошқа шу каби мамлакатларда гўшт учун боқиладиган қорамолларнинг сони анча кўп. Жаҳонда ишлаб чиқариладиган гўшт маҳсулотларининг учдан бири йирик шохли қорамолнинг ҳиссасига тўғри келади. Жаҳон бозорида мол гўшти етиширадиган асосий мамлакатлар Австралия, Бразилия, Нидерландия, Канада, АҚШ, Аргентина каби мамлакатлар ҳисобланади.

Қўйчилик қуруқ даштлар, чала чўл ва чўлли ҳамда тоғли ҳудудлари бор мамлакатларда жадал ривожланган. Австралия (130 миллион бош), Хитой (120 миллион бош), Янги Зеландия, Ҳиндистон, Туркия, Қозоғистон, Россия, Монголия, Аргентина, Уругвай каби мамлакатларда қўйларнинг сони кўп. Ушбу мамлакатлар қўй гўшти ва юнгни ишлаб чиқариш бўйича бошқа мамлакатлардан олдинда туради. Қўй гўшти ва юнг ишлаб чиқариш ҳамда

экспорт қилишда Австралия, Янги Зеландия ва Аргентина етакчилик қиласди².

Чўчқачилик аҳолиси зич бўлган ва мусулмон бўлмаган мамлакатларда ривожланган. Улар учун асосий озуқа сифатида озиқ-овқат саноати чиқиндаридан кенг фойдаланилади. Шу билан бирга, чўчқачилик йирик шохли қорамолларни боқишига нисбатан анча қулай, кам вақт сарфланадиган ва тез самара берадиган тармоқлардан бири ҳисобланади. Чўчқачилик жаҳонда ишлаб чиқариладиган гўшт маҳсулотларининг 40 фоизи, тери маҳсулотлари ва чўчқа шетинасининг (тиш ва бўёқ чўткаси ишлаб чиқарилади) катта қисмини беради. Чўчқа боши сони бўйича Хитой (дунёдаги чўчқа бошининг 40 фоизи), АҚШ, Бразилия, Мексика, Германия, Польша, Россия, Украина, Япония етакчилик қиласди. Чўчқа гўштининг йирик эскпортерлари Нидерландия, Польша ва АҚШ ҳисобланади.

Паррандачилик чорвачиликнинг тез ривожланиб бораётган, гўшт (жаҳонда ишлаб чиқарилаётган гўштнинг 20 фоизи), тухум, парранда момифи ва патқалами ишлаб чиқарадиган

¹ <http://www.myaso-portal.ru/analitika/perspektivy-razvitiya-zhivotnovodstva-i-ptitsevodstva-do-2020-goda/>

² <http://geographyofrussia.com/otrasli-zhivotnovodstva/>

соҳаларидан ҳисобланади. АҚШ, Буюк Британия, Япония ва бошқа ривожланган мамлакатларда саноат асосида бройлерлар ишлаб чиқарадиган йирик корхоналар яратилган. Парранда бош сони бўйича Хитой (3,1 миллиард бош) ва АҚШ (1,6 миллиард бош) етакчилик қиласди, ундан кейин Бразилия, Ҳиндистон, Россия ва Мексика каби мамлакатлар туроди. Парранда гўшти экспорт қилиш бўйича АҚШ, Франция ва Бразилия етакчилик қиласди¹.

Жаҳонда ҳар йили 220 миллион тонна гўшт – чўчқа, мол, парранда, қўй гўштлари ишлаб чиқарилади. Аҳоли жон бошига гўшт маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар ўртасида жиддий фарқлар мавжуд. Уларнинг биринчисида, аҳоли жон бошига 80–100 кг (Янги Зеландияда 400 кг), иккинчисида эса 15–20 кг гўшт тўғри келиши мумкин².

Бугунги кунда миллий товар ва хизматлар ишлаб чиқариш асосида умумжаҳон қишлоқ ҳўжалиги товар ишлаб чиқаришининг яхлит тизими шаклланган. Қишлоқ ҳўжалигига товар маҳсулоти ишлаб чиқаришининг қиймати бўйича Хитой, АҚШ, Россия, Ҳиндистон ва Япония каби мамлакатлар алоҳида ажралиб туроди. Ушбу бешта мамлакат умумжаҳон қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотининг 2/5 қисмини беради³.

Қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари билан савдо асосан ривожланган мамлакатлар (Фарбий Европа, Ши-

молий Америка, Япония, Австралия, ЖАР, Исландия) мамлакатлари ўртасида олиб борилади. Ривожланаётган мамлакатлар эса улар ишлаб чиқарган маҳсулотларни импорт қиласди.

М.Б.Вольф ва Ю.Д.Дмитревскийларнинг фикрига кўра, жаҳондаги чорвачилик минтақаларининг тўрт тури интенсивик даражасига кўра ажратилади⁴.

Биринчи турига аҳоли ва чорва ҳайвонлари зичлиги юқори бўлган (100 гектар қишлоқ ҳўжалиги ерларига 100–200 бош чорва), интенсив тармоқларга ихтисослашган (сут қорамолчилиги, чўчқачилик ва паррандачилик) ва юқори маҳсулдорликка эга бўлган ҳудудлар киради. Хорижий Европада чорвачилик тармоқларининг ушбу тури Дания, Нидерландия, Буюк Британия, Швейцария ва бошқа айrim мамлакатларни, Шимолий Америкада АҚШнинг шимоли-ғарбини ўз ичига олади.

Иккинчи типига қишлоқ ҳўжалиги, хусусан, чорвачиликнинг интенсивлиги ва маҳсулдорлигининг ўртача даражасига эга бўлган мамлакатлар киради. Унга 100 гектар қишлоқ ҳўжалиги ерларига 30–60 бош чорва моллари тўғри келади. Ушбу мамлакатларга Жанубий ва Шарқий Европа, АҚШнинг жанубий ва марказий штатлари, Лотин Америкасининг айrim ҳудудлари киради.

Учинчи типга аҳоли ва чорва ҳайвонлари зичлиги паст бўлган (100

¹ <http://geographyofrussia.com/otrasli-zhivotnovodstva/>

² Ўша жойда.

³ Ўша жойда

⁴ http://lux.e-reading-lib.org/chapter.php/127765/123/Maksakovskii_-_Geograficheskaya_kartina_mira_Posobie_dlya_vuzov_Kn._I__Obshchaya_harakteristika_mira._Global'nye_p--chestva.html#n_62

гектар қишлоқ ҳўжалиги ерларига 5–10 бош чорва), интенсивлиги паст, кенг табиий яйловларда боқиладиган ва маҳсулдорлиги паст чорвачилик тармоқлари ва йўналишлари киради. Бундай ҳудудларга Австралияning катта қисми, Аргентинадаги Патагония, Ангола, Фарбий ва Шимолий Африканинг айрим мамлакатлари (Мавритания Чад, Жазоир) киради. Ушбу мамлакатларда чорвачилик зироатчиликка нисабатан устун даражада ривожланганлиги ва асосий тармоқлиги кўринади.

Ниҳоят, тўртинчи типга аҳоли, хусусан, қишлоқ аҳолиси ва чорва ҳайвонлари зичлиги юқори бўлган (100 гектар қишлоқ ҳўжалиги ерларига 60–200 бош чорва), аммо паст маҳсулдорликка ва чорвачиликнинг кам интенсивли ва маҳсулдорликка эга бўлган тармоқлари ривожланган ҳудудлар киради. Ушбу ҳудудларда чорвачилик зироатчиликка бўйсунувчи ва унга боғлиқ тармоқ бўлиб, кам товар маҳсулотларини ишлаб чиқаради. Бундай мамлакатларга Ҳиндистон, Шри-Ланка, Жанубишинарқий Осиё мамлакатлари киради. Ривожланаётган мамлакатлардаги кам маҳсулдор чорва тармоқлари истеъмол бозорлари ва товар маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи зироатчилик тармоқлари жойлашган ҳудудлардан узоқлиги кузатилади.

Ўзбекистонда сўнгги йилларда чорвачиликни ривожлантириш, айниқса, наслдор қорамолчиликни яхшилаш ва сифатли маҳсулот етиширишни кўпайтиришга қаратилган дастурлар амалга оширилиши натижасида муай-

ян ижобий натижаларга эришилди. Охирги тўрт йилда қорамоллар сони ўрта ҳисобда 122,5 фоизга ўсди. Шундан 9 миллион 817 минг бош қорамол деҳқон ҳўжаликларида, 525,6 минг бош қорамол фермер ҳўжаликларида, 104,2 минг бош қорамол эса қишлоқ ҳўжалиги корхоналарида боқилмоқда. Ҳозирги вақтда мамлакатимизда 442 та наслдор қорамолчилик ҳўжалиги иш олиб бораётган бўлиб, уларда наслдор қорамоллар парваришланмоқда. Ушбу ҳўжаликларда ҳар бир сигирдан соғиб олинаётган сут йилига 3340 килограммни ташкил этаяпти. 2012 йилда мазкур ҳўжаликлар томонидан 7786 бош наслдор қорамол ўстирилиб, фермер ва деҳқон ҳўжаликларига сотилди. Илғор ҳамда ўта замонавий технологиялар асосида йирик чорвачилик мажмуалари ташкил этилди¹.

Хулоса қилиб айтганда, бугунги кунда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмларини ўстиришга жаҳон ер ресурсларининг чекланганилиги, экологик вазиятнинг ёмонлашиб бориши, қишлоқ ҳўжалиги ерларидан самарасиз фойдаланиш, иқлимининг ўзгариб бориши каби тармоқнинг ривожланишини чекловчи ва салбий омиллар ўз таъсирини кўрсатмоқда. Қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқаришини юритишдаги камчиликлар атрофмуҳитнинг ифлосланиши ва табиий мажмуаларнинг жиддий равишда ўзгаришига сабаб бўлади.

Шуни эътиборга олиб, келгусида чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришда бу борадаги ресурсларни

¹ <http://www.senat.uz/uz/news/2013/08-11-1c.html>

жиддий режалаштириш зарур бўлади. Яъни, харажатлари кам, самарадорлиги юқори ва инновацион тармоқларни устувор суратларда ривожлантиришга эътиборни кучайтириш керак бўлади.

Истиқболда чорвачилик тармоқларини жадал ривожлантириш тармоқ самарадорлигини оширишга узвий боғлиқ бўлади. Бу борада чорва ҳайвонларига қўйиладиган талаб ҳам ўзгаради. Улар қўйидаги хусусиятларни ўзида мужассамлаштириши шарт бўлади: ривожланган иммун тизимида

ва замонавий ишлаб чиқариш технологияларига яхши мослашган бўлиши; юқори такрор ишлаб чиқариш сифатларига ва узоқ муддат самарали фойдаланиш йўлларига; озуқа моддаларнинг тўйимлилиги ва озуқа энергиясининг самарали имкониятларига боғлиқ бўлиши зарур.

Ушбу мақсадларга эришиш учун генетиклар селекционерларнинг саъиҳаракатларини йўналтириш ва албатта, давлатнинг бу борадаги ролини ошириш зарур бўлади.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислоҳотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади. // Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишлиланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. // «Biznes-эксперт» журнали, 2014, 1-сон.
2. <http://geographyofrussia.com/otrasli-zhivotnovodstva/>
3. http://lux.e-reading-lib.org/chapter.php/127765/123/Maksakovskii_-_Geograficheskaya_kartina_mira_Posobie_dlya_vuzov_Kn._I__Obshchaya_harakteristika_mira._Global'nye_p--chestva.html#n_62
4. <http://www.grandars.ru/shkola/geografiya/zivotnovodstvo.html>
5. <http://www.limon-auto.ru/geo/104-zivotnovodstvo.html>
6. <http://www.myaso-portal.ru/analitika/perspektivy-razvitiya-zivotnovodstva-i-ptitsevodstva-do-2020-goda/>
7. <http://www.senat.uz/uz/news/2013/08-11-1c.html>